



Xalqaro konferensiya  
Navoiy - 2021

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИННИГ  
БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ТАРАҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

мавзусидаги IV анъанавий халқаро илмий-амалий конференция  
МАТЕРИАЛЛАРИ

**MATERIALS**

of the IV traditional international scientific conference on the theme  
**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE  
OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL  
DEVELOPMENT OF THE HUMANKIND DEVELOPMENT OF HUMANITY**

**МАТЕРИАЛЫ**

IV традиционной международной научно-практической конференции на тему  
**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ  
В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ  
РАЗВИТИИ**

*Навоий – 2021*

*23 – 25 ноябрь, Ўзбекистон*

**ХАЛҚАРО  
КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

ALISHER NAVOIY

*Уёғини этмам тасаввур,  
Йиғи қисар кўксимни бирдан.  
Яшайман қабрингиз бир қур  
Кўриб ўлмоқ нияти билан*

*Ва сиёҳи қуриб битмаган  
Шеърларимга туриб юзма-юз,  
Ҳар кун тунда йўлга чиқаман,  
Ҳар кун тонгда қайтаман маъюс.*

Хуршид Даврон ўзининг қалами билан Алишер Навоийга муносиб авлод бўлишга, ўзининг ижод намуналари билан Навоийнинг номини диллардан тилларга кўчиришга сўз беради. Биз Навоийни қанча ўрганганимиз сари, унинг янги қирралари очилиб бормоқда. Алишер Навоийнинг бой адабий мероси, инсоният ва руҳият тасвирига оид қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда илмий тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

## УСМОН ҚЎЧҚОР ИЖОДИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ

**Насиба НОРОВА,**  
*таянч докторант,*  
**Бухоро давлат университети**  
**(Ўзбекистон)**

*Аннотация:* Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг йирик вакили Ҳазрат Навоий ҳақида ёзилган Усмон Қўчқорнинг “Самарқанд сафари” шеъри таҳлилга тортилди. Даҳо шоирнинг юксак шахсияти ва бетакрор ижодиётининг айрим қирралари Усмон Қўчқорнинг шоирлик маҳорати орқали очиб берилди.

*Калит сўзлар:* шеърият, мумтоз адабиёт, замонавий адабиёт, тарих, ҳақиқат, анъана, маҳорат.

Навоий асарларини ўқиган китобхон имонни бутун тутиш, руҳ саломатлиги, кўнгил софлиги, нафсга қул бўлмаслик, одобу тарбия – комиллик белгиларини, бир сўз билан айтганда, Ҳаққа ошиқликни ўрганади. Ижод оламида салафларнинг асарларидан таъсирланиш, ғояларидан озиқланиш, шахсиятидан ибрат олиш анъанага айланган. Бу борада ўзбек адабиётининг энг ёркин сиймоларидан бири мутафаккир шоир Алишер Навоийдир. Салкам олти асрдирки, шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутган Навоий ижоди миллат қалбида барҳаёт яшамоқда.

*Юксак тоғ оралаб ўқирган шеърнинг,  
Наърасига тенгдир акси садоси,  
Беш юз йил яшади тоғдай Ватанда  
Буюк Алишернинг асрий нидоси . [ Ғ. Ғулом ,1989: 11 ]*

– деб ёзганда устоз шоир Ғафур Ғулом ҳақ эди. Навоий асарлари ўзбек халқи орасидагина эмас, балки Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда қўлдан қўлга, элдан элга ўтиб, бутун бир башариятнинг мулкига айланиб келмоқда. Унинг ўзбек адабиёти ривожига таъсири бугунгача давом этиб, деярли, барча шоир ва ёзувчилар учун ижод мактаби вазифасини ўтамоқда.

Ўзбек шеърлятида ўзига хос ўрин тутган шоир Усмон Қўчқор ижодида ҳам Ҳазрат Навоийнинг таъсири алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг пок руҳи, эзгу амаллари, бунёдкорлик ғоялари, меҳнатсеварлик фазилатлари, дўстга садоқати, қалбидаги алам, армонлари, ижодининг бетакрор олами Усмон Қўчқор шеърлятининг юксалишига ҳисса қўшганлигига шубҳа йўқ. шоир бир неча шеърларида Навоий маънавий портретига чизгилар беришга ҳаракат қилади. Унинг “Самарқанд сафари” шеъри фикримизни тўла исботлайди.

*Най озиб борадир ўз ноласидан,  
Туя топтаб борар қўнгироқ додин.  
Замоннинг дарбадар ҳангомасидан.  
Шоирнинг қалбида алами ботин [У. Қўчқор, 1986:8].*

Мисраларнинг най сўзи билан бошланишида ҳам рамзий маъно бор. Маълумки, най мумтоз адабиётда ирфоний истилоҳ даражасига кўтарилган. Жумладан, “Форсий Қуръон” дея аталган “Маънавий маснавий” куллиётининг илк байти “Тинглагил, най не ҳикоят айлағай, айрилиқлардан шикоят айлағай” мисралари билан бошланади. [Жалолиддин Румий, 1999:22]. Таржимон Аскар Маҳкамнинг шарҳлашича, “Най” истилоҳидан муддао, яни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган мақсад ориф ва оқиллик мартабасига эришгандир”. Ўткинчи дунё дарди учун фиғону нола чекаётгани йўқ. У най воситасида илоҳий қонунларни башар фарзандларига етказмоқни истайди. “Маснавийда” ғам шундай нарсаси, туянинг устига тушса, уни игнанинг тешигидан ўтказди деган фикрлар бор. Навоийнинг ҳам юртидан Самарқанд томон юзланиши “айрилиқлардан шикояти” шоирнинг қалбида алами, ҳижрони найни оздириб, ўз ноласидан адаштиради.

Маълумотларга кўра, Навоий 60-йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшайди. Шеърда бевосита шу даврда шоирнинг бошидан кечирган воқеалар, ижод машаққатлари тасвирланади. Навоийнинг Самарқандда яшаш сабабларини адабиётшунос Бегали Қосимов шундай изоҳлайди: “Хондамир ўқиш учун келди, дейди. Тўғри, у Самарқандда дин ҳуқуқшуноси ва файласуф Фазлуллоҳ Абулайс қўлида ўқийди. Бобур эса уни Абусаид сургун қилган. Бунга ҳамма асос бор. Абусаиднинг Алишерга муносабати ёмон эди”, – дея маълумот берган эди. [Қосимов, Жумахўжаев. 2001: 27]

Ушбу фикрларни муқояса қилиш учун “Бобурнома”га юзланамиз. “Алишербек Навоийни ...Билмон, не жарима билан султон Абусаид Мирзо Ҳирийдин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандда эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди” [Бобур. 1989:153].

Шеърнинг кейинги мисраларига эътибор берар эканмиз, Бобур Мирзо илгари сурган далил ҳақиқатга яқинлиги равшанлашади. “Дунёдан шеър сўраб” бораётган буюк шоирнинг ҳолати муаллифга чуқур таъсир қилади ва мурожаат орқали бу ҳолатни кучайтиради: Адабиётшунос Лайло Шарипова шу шеърни таҳлил қилар экан: “Ҳазрат ихрождан нолиётгани йўқ. У карвон сафида йўл юрар экан, арузий мисралар қаторини тизиб келмоқда. Карвонга матлалар сарбон. Сарбон шохона туйғуга ўралган. Аруз вазнининг туя карвонлари билан боғлиқлиги мисралардаги маъноларни сержило қила олган” – дея фикр билдиради. [Шарипова. 2013:26].

*Самарқанд! Эй, Шарқда бегуноҳ қондан,  
Шеърлят, фикратдан тикланган маъво,  
Пешвоз чиқ ўғлинг саҳро томондан,  
Ҳиротда етмади шоирга ҳаво. (8-бет)*

Самарқанд не-не валий зотлар, орифу алломалар учун бешик бўлган юрт. Ихрож аламини тортаётган улуғ Навоийга дарддошлик ҳолига кўтарилган Усмон Қўчқор маърифат юрти Самарқандга мурожаат қилади. Шоирни ўз фарзандидай қабул қилишини ёлворади. Усмон Қўчқор шеърларидаги

ҳолат манзарасининг тиниқлиги унинг ҳолдошлик мақомига кўтарила олишидадир. У баён қилаётган воқеасининг бевосита иштирокчисига, айтаётган ҳасратларининг дарддошига айланади, куйлаётган бахтининг сурурини ўзи ҳис этади.

Алишернинг 24-25 ёшлардаги Самарқанд сафари ҳаётида такрорланмас из қолдирди. Бу ҳақида навоийшунос олим И. Ҳаққулов қуйидагича фикр билдиради. “Самарқанд ёш шоирнинг наинки фикр, туйғу, мушоҳада ҳаёти, балки ижодий салоҳиятининг мукамаллашувида ҳам алоҳида таъсир ўтказган эди. Чунки Навоий Самарқандга келганда илм-фан, адабиёт, маориф ва маданият таназзулга йўлиққан Ҳиротдагидан кўра бошқача ҳолат олимлар, шоирларнинг Улуғбек анъаналарини жонлантириш йўлидаги ҳаракатларининг гувоҳи бўлган эди” [Ҳаққулов, 2014: 6].

Чиндан ҳам мураккаб, зиддиятли бу даврда Навоий ижод ва илм маркази сифатида ривожланаётган Самарқанддан паноҳ топади. Шу билан бирга бу ердаги илмий-адабий муҳитдан куч-қувват олади. Юқоридаги мисраларда одамнинг итга ўхшатилиши орқали адолатсиз тузумнинг қандай манфурлар кимсалар қўлида қолганлигига ишора қилмоқда шоир.

*Ҳали билмайдик, уфққа тикилиб,  
Алишер бу фарёд, оҳу вой аро –  
Саройга чорлайди омади келиб  
Темурнинг совиган қони – Бойқаро. (8-бет)*

Тарих ҳақиқати ҳамиша бугунги кун учун кўзгудир. Кўзгуга боқиб кимлигимизни, вақт шиддат билан ўтаётганлигини ҳис қиламиз. Тарих чархпалагининг айланиши, Алишер ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар рўй бера бошлаганини кўрсатди. 1468-йил Абусаид Мирзонинг вафотидан кейин, тахтга Навоийнинг яқин маслақдоши, дўсти Ҳусайн Бойқаро ўтиради. Усмон Қўчқор ушбу мисралардан шундай топилма излайдики, энди Навоийнинг ҳаётида юз берадиган кейинги воқеалар тасвирини ҳаёлан гавдалантиради. Шу билан бирга ўқувчини асосий мазмундан узоклаштирмайди ва воқеалар кетма-кетлигига ҳам эътибор қаратади. Яна “Бобурнома”га мурожаат қиламиз: “Ўғул ва қиз ва аҳлу аёли йўк, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди. Авоийл мухрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободга ҳукумат қилди, авохир сипоҳиликни тарк қилди”. [Бобур. 1989:154]. Бундан кўриниб турибдики, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг давлат ишларидаги энг яқин одами бўлган, ҳатто ўғиллари билан орасидаги низоларни у бартараф қилган. Камдан кам одамга насиб қиладиган давлат лавозимларида ишласа ҳам, ижоднинг сирли олами уни бир лаҳза тарк этмайди.

Кейинги мисралар гўёки ҳаммамизга таниш “Ғаройиб ус- сиғар” куллиётидан олинган Ватанга муҳаббат ғояси етакчилик қилган “Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш” [А. Навоий, 1998:573] рубойисини ёдга солади.

*Тушига кирмаган Астробод ҳам  
Ғурбатни атаркан бир олтин қафас.  
Асли олтин қафас-қонли муҳташам  
Шоҳнинг саройидан бошқаси эмас. (9-бет)*

Усмон Қўчқор шоирлик истездоди сабаблари жуда кўп. Мазкур шеър борасида айтиш мумкинки, у Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижодидан мукамал хабардор бўлган. Шу боис “Самарқанд сафари” шеърда Навоий руҳияти ёрқин очиб берилган. Шеърнинг ҳар бир мисрадан улуғ шоирнинг нафаси сезилиб туради. Усмон Қўчқор фикр-қарашлари Навоий шеърятини билан уйғунлашиб кетган. “Ғурбат” сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни ўз ватани Ҳиротда эмас, балки мусофирликда, ғарибликда” [Ҳаққулов, 1991: 119] ёзган бўлса керак, дейди навоийшунос олим И. Ҳаққулов. Шоир тазод санъатидан ўз ўрнида фойдаланиб, ўша давр руҳини чуқур тасвирлай

олган. Бир тарафда, улуснинг аҳволидан беҳабар, айш-ишратга машғул бўлган, қилган ишларидан фитна-фасод, иғво урчитган шоҳ саройи ва сарой аъёнлари, бир тарафда эса қомати толиққан, аммо руҳи тетик кўнгли чаманзорларни истайдиган Навоий олами. Бу икки оламни мувозанатда тутиш мушкулоти шоир қисмати эди.

Адабиётшунос Нусратилла Жумахўжаев Усмон Қўчқор ижодига бағишланган “Уйқудаги ботирдир – минор” мақоласида “Самарқанд сафари ” шеъри ҳақида мулоҳазали фикрларни билдиради. Мунаққиднинг наздида шеърнинг марказий ғояси, Навоийнинг тарихий хизмати васф этилган сатр бузилган.

*Ҳали билмайдик, энг бош гуноҳкор(!)  
Дунё саҳнасига чиқар етаклаб. (9-бет)*

Адабиётшунос таъбирича, сўнги икки мисра бундай бўлиши лозим эди:

*Ҳали билмайдик, ўзбек отини  
Дунё саҳнасига чиқар етаклаб.*

“Шоир “ўзбек отига” максимал даражада маъно юклаш орқали қуйидаги икки мазмун юзага чиқишига эришар эди: Навоий ўзбекнинг номини ўзининг қўламдор ва юксак ижоди билан жаҳонга машҳур қилди. Навоий ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти жанггоҳига олиб чиқди, яъни ўзбек адабиётини жаҳон халқлари адабиёти билан беллашадиган даражага кўтарди. Аммо бир оддий эътиборсизлик оқибатида бу ютуқ бой берилган”. [Жумаев, 1988: 181].

Мунаққид айтмоқчи бўлган “ўзбек оти” бирикмаси қўлланганда ҳақиқатан, шеърнинг мазмунида миллий таъсирчанлик ошарди. Бироқ шеърнинг пафоси, бизнинг наздимизда, асл ҳолида ҳам ҳеч пасаймаган. Аксинча умумбашарий бир етукликка эришилган. Шоир ушбу сатрларда қандай одам сургун қилинишига ишора қилиб, Абу Саиднинг қароридан “гуноҳкорлик” тамғасини олган Навоий образига урғу берган. Ижодкорнинг асосий мақсади Навоийни жаҳон адабиётида тутган ўрнини белгилашга эмас, балки ихрож қилган Навоий руҳиятини очиб беришга қаратилган.

*Ҳали билмайдик, қумдан тиллони,  
Саралаб олгандек минг усул билан,  
Авлодлар Алишер Навоий номин  
Ахтариб ўтурлар ою йил билан... (9-бет)*

Ушбу шеърни ўқиган китобхон кўз олдида юртидан йироқда бўлган шоир қалбидаги соғинч ҳиссини туяди. Усмон Қўчқор шеърга шундай хулоса ёзганки, ҳақиқатан Алишер Навоий номи аждодлардан авлодларга мерос бўлишини, асарлари башариятнинг мулкига айланганлигини таъкидлайди. Навоий образидан кўра, шоир яшаган муҳит тасвирига урғу беради. Навоий асарлари яна неча асрлар ўтса-да, чинакам ихлос ва кунт билан ўрганилади. Алишер Навоий ҳақида шеър ёзиш ҳамма шоирга ҳам насиб қилавермайди. Мабодо ёзганда ҳам шеърхонни Навоий шахси ва ижодиётига яқинлаштириш ўта мушкул. Усмон Қўчқор эса мана шу мақсадга эриша олган санокли ижодкорлардан. Яна бир муҳим жиҳати эса Навоий даври муаммоларини ўз замонаси дардлари билан бирлаштира олганлиги билан белгиланади. Унинг “Навоий сабоғи”, “Ҳақ йўли ва комил инсон” шеърларини ўқиганимизда бунга янада иқрор бўламиз.

### Адабиётлар:

1. Ғ. Ғулом. Навоийни куйлаймиз. – Т. : Ёш гвардия нашриёти, 1968.
2. Қўчқоров У. Аксиз садолар. – Т. : Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. Қосимов Б., Жумахўжа. Ўзбек адабиёти: 10-синф учун дарслик //– Т. : Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
4. Ҳаққулов И. Шахсият ва шеърият. – Т. : 2014.
5. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. –Т. : 1991.
6. З. М. Бобур. Бобурнома. – Т. : 1989.
7. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. –Т. : 1969.
8. Жалолитдин Румий. Маънавий маснавий . – Т. : 1989.
9. Алишер Навоий. МАТ. Ғаройиб ус-сиғар. –Т. : Фан нашриёти, 1988.
10. Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. – Т. : 2015.
11. Жумаев Н. “Уйқудаги ботирдир – минор”. “Шарқ юлдузи” журналі, 1988 йил.
12. Шарипова Л. Самимиятга йўғрилган шеърият // Ёшлик, 2013. №11.

### НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ БАДИАЛАР ТУРКУМИ

*Олтиной ҚУРБОНОВА,  
тадқиқотчи,  
Бухоро давлат университети  
(Ўзбекистон)*

*Аннотация.* Мазкур тезисда йирик мунаққид И. Ғафуровнинг Алишер Навоийга бағишланган бадиалар туркуми ҳақида фикр юритилади.

*Калит сўзлар:* мунаққид, буюк шоир, бадиа, муаллиф “мен”и, газал, таҳлил ва талқин, кўнгил нозиклиги.

Алишер Навоий ижоди, унинг адабий қарашлари, ўлмас асарлари кўплаб навоийшунос олимларимиз томонидан чуқур ўрганилган. Бу тадқиқотлар орасида адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг Навоийга бағишланган мақолалари ўзига хослиги билан ажралиб туради. И. Ғафуров замонавий адабиётни қанчалик чуқур билса, мумтоз адабиёт тарихини ҳам шунчалик теран англайди, бугунги кун нигоҳидан туриб мозийга назар ташлайди.

Олимнинг Навоийга бағишланган мақолалари, тадқиқотлари ҳақида фикр юритар экан, ёзувчи Х. Дўстмуҳаммад мунаққидга шундай мурожаат қилади: “Сиз орифликни буюк Навоийдан олгансиз... Сиз Алишер Навоийдек номи ва руҳи боқий зотни билмоқ ва англамоққа чорлайсиз. Навоий ўзбек халқининг умуртқаси дея таърифлайсиз. Навоийни теран билиш ва англаш ўзимизни билиш ва англаш эканлигини куйиниб ёзасиз. Навоий тилининг мураккаблиги даҳонинг мураккаблиги эканлиги уқтиришга уринасиз. Ва “Навоий ўз замондошлари ўртасида кўнглининг ўта нозиклиги билан машхур бўлган” лигига алоҳида тўхталасиз”<sup>179</sup>. Ҳақиқатан ҳам олимнинг Алишер Навоий ҳақидаги ёзган битиклари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. “Аждодлар васли”, “Навоийга унсият” каби бадиалар туркумлари фикримизга далил бўла олади. “Аждодлар васли” бадиалар туркуми “Навоий- бизнинг огоҳлигимиз”, “Ҳозир Навоийни ким ўқийди?”, “Навоий ва Нилуфар” деб номланган бадиалардан иборат.

<sup>179</sup> Хуршид Дўстмуҳаммад. Умрининг олмос мавжлари /Китобда:Иброҳим Ғафуров. Мансуралар. Ҳикоялар. Бадиалар. Тошкент. “Sharq” НМАК. 2017. 6-бет.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . .	3	Бахшилло Ашуров. “Мажолис ун-нафоис” асарида туркигўй шоирлар хусусида . . . . .	94
Қобил Турсунов . . . . .	4	Насима Қодирова. “Парим бўлса учуб кочсам...” ғазалининг қиёсий таҳлили . . . . .	98
Яшин Душанов . . . . .	5	Муяссар Иброҳимова. “Фарҳод ва Ширин”да дунё рамзлари . . . . .	100
Баҳодир Собиров . . . . .	6	Dilnoza Rustamova. “Badoye’ ul-bidoya” devonida tuyuq janri . . . . .	103
<b>БИРИНЧИ ШЎЪБА:</b>			
<b>НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ: ҒОЯ ВА БАДИИЯТ ОЛАМИ</b>			
Иброҳим Ҳаққул. Давр, шахсият ва шеърият . . . . .	9	Farhod Nizomov. “Sab`ai sayyor”da so`z qudrati . . . . .	106
Шухрат Сирожиддинов. Манбаларда Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида . . . . .	15	Шаҳноза Норқулова. Навоий ғазалиётида кўз тимсоли талкинлари бадииятига доир . . . . .	108
Муслихиддин Муҳиддинов. “Саъбаи сайёр” дostonида ҳамд ва наът . . . . .	19		
Нурбой Жабборов. Алишер Навоий ижодида “маъни” талқини ва “аҳли маоний” васфи . . . . .	22		
Дилором Салоҳий. Алишер Навоийнинг “солиҳа аёл” ғоявий-илмий концепти ҳақида . . . . .	32		
Нусратулло Жумаҳўжа. Навоий ва бозор маънавияти . 35			
Қозоқбой Йўлдош. Теран туйғуларнинг тенгсиз тасвири . . . . .	37		
Almaz Ulvi Binnatova. Əlişir Nəvainin “Şeyx Sənan” qissəsi . . . . .	42		
Ваҳоб Раҳмонов. Бир тарихий фожеага дахлдор ғазал . 43			
Иқболой Адизова. Навоий маҳоратининг ноёб жилолари . . . . .	45		
Олим Давлатов. “Ғаройиб ус-сиғар”даги “йигит” радибли ғазаллар таҳлили . . . . .	48		
Tohir Xo`jayev. Navoiy davri hayotini anglashga doir ba`zi mulohazalar (“Navodir un-nihoya” devoni asosida) . . . . .	52		
Каромат Муллаҳўжаева. Алишер Навоий асарларида ов тасвири ва унга оид тимсолларнинг бадиий талқини . . 55			
Абдулҳамид Холмуродов. Навоий асарларида илму ирфон ғояси . . . . .	58		
Нигора Муродова. Алишер Навоий асарларида комил инсон тасвири . . . . .	62		
Шоира Аҳмедова. Алишер Навоийнинг ҳаётбахш юмори хусусида . . . . .	64		
Буробия Ражабова. “Вақфия”да маҳдудот талқини . . . 67			
Зухра Мамадалиева. “Ҳайрат ул-аброр” дostonида кўнгил таърифи ва салафлар мадҳи . . . . .	71		
Рустамжон Жабборов. Навоийнинг “Оққўюнли мухлислар девони”даги бошқа манбаларда учрамайдиган байтлари хусусида . . . . .	75		
Гулчехра Болтаева. Художественная ценность од Алишера Навои нафарси . . . . .	78		
Одилжон Авазназаров. “Саъбаи сайёр” дostonида бадиий туш ва сафар уйғунлиги . . . . .	81		
Obidaxon Fayzullayeva. Alisher Navoiy qit`alarida obrazlilik . . . . .	84		
Нигора Шарипова. “Ҳайрат ул-аброр”да қофия малоҳати . . . . .	87		
Мунира Худоёрова. Навоий китъаларида фано талқини . . . . .	91		
		<b>ИККИНЧИ ШЎЪБА:</b>	
		<b>НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАСАВВУФИЙ-МАЪРИФИЙҚАТЛАМИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ</b>	
		Султонмурод Олимов. “Лисон ут-тайр” – муножотнома ва меърожнома . . . . .	
		112	
		Муҳаммад Имомназаров. Мусулмон минтақа маданиятида легитимлик масаласининг Алишер Навоий ижодида ҳал қилиниши . . . . .	
		114	
		Akhlauque Ahmad ‘Ahan’. Sufism and humanism in the poetry of Amir Ali Sher Nawai . . . . .	
		118	
		Раҳматулла Баракаев. Шарқ мумтоз адабиётида пайғамбарлар тарихига оид асарлар . . . . .	
		122	
		Сайфиддин Рафиддинов. Навоий иймон ҳақида . . . . .	
		128	
		Ilhom G`aniyev. Rumiyy va Navoiyy ijodida jabar va qadar – falsafiy kategoriya sifatida . . . . .	
		131	
		Максуд Асадов. Навоий лирикасида ишқ ва ошиқлик талқини . . . . .	
		135	
		София Жумаева. Навоий шеъриятида сир масаласи . 138	
		Насиба Бозорова. “Садди Искандарий”да нафс тарбияси ва адолат талқинига доир баъзи мулоҳазалар . . . . .	
		142	
		Зиёда Ғафорова. Навоий “Хамса”сида ҳамд ва наътлар мутаносиблиги . . . . .	
		147	
		Сирдархон Ўтанова. Турли ижтимоий қатлам ахлоқида ранг ҳақиқатлари (Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қуллуб” асари мисолида) . . . . .	
		148	
		Зулайҳо Раҳмонова. Навоий асарларида муршид образи . . . . .	
		154	
		Алишер Раззоқов, Умаржон Ҳимматов. Алишер Навоий ижодида тасаввуфий образлар генезиси . . . . .	
		157	
		Фаррухбек Олим. Фазилатлар соҳиби – Саййид Ҳасан . 161	
		Ҳаёт Латипов, Чаросхон Саидова. Ошиқ ва ориф тимсоллари тавсифи Навоий талқинида . . . . .	
		164	
		Отабек Жўрабоев. Алишер Навоий девонининг бир нодир кўлёмаси хусусида . . . . .	
		168	
		Маъмура Рашидова. “Наводир ун-нихоя” девонининг уч кўлёмза нусхаси ва уларнинг қиёсий таҳлили . . . . .	
		170	
		Шаҳодат Каромова. Навоий асарлари кўлёмзасининг матний тадқиқи ҳақида . . . . .	
		172	
		Ойсара Мадалиева. Навоий “герма девон”ларининг	

нусхалари таркиби .....	175
Сурайё Муқимова. “Садди Искандарий” да илгари сурилган баъзи масалалар .....	178
Raxima Sharipova. Alisher Navoiy lirikasida tabiat ramzlari talqini .....	181
Улуғбек Санақулов. Алишер Навоий лирикасида ваҳш ва ваҳшат ифодалари талқинига доир .....	184
Акрам Муқимов. Алишер Навоий ижодий меросида қадриятлар талқини .....	188
Afifa G'aniyeva. “Nazm ul-javohir” da hazrat ali hikmatlarining badiiy sintezi .....	190
Райҳон Саидова. “Шайх Санъон” қиссасида маломатийлик ғоялари .....	193
Ўлмасбек Хўжаев. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарига табоқот тушунчаси .....	198
Gavhar Istamova. “Nasoyimul-muhabbat” da orifsiy mosi. 201	
Elmurod Jumayev. Alisher Navoiy ijodida Amir Temur obrazi .....	203
Sarvinov Nurmonova. Navoiy Robiya Adaviya haqida ...	206
Gulchehra Mardonova. Navoiyning “Farhod va Shirin” dostoniga xos ayrim jihatlari .....	208

**УЧИНЧИ ШЎЪБА:  
НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ: МУОСИР АДАБИЁТ  
ВА ФОЛЬКЛОР**

Ҳотам Умуров. “Оламга Навоий наслиман деган...” ..	211
Исломжон Якубов, Гузал Атабоева. “Ишқ аҳли” романида тарихий воқеликнинг бадий ифодаси ..	214
Ғайрат Муродов. Ҳазрат Навоий сиймосига янги назар .....	216
Зариф Қувонов. Абдурахмон Саъдийнинг навоийшуносликка доир тадқиқоти хусусида .....	220
Pyos Ismoilov. Psevdo-kallisfen an'anasi va Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostoni .....	223
Озода Тожибоева. “Хамса” дostonларини ўрганишда методларнинг аҳамияти .....	226
Гулбаҳор Ашурова. Замонавий шеърятда Навоий тимсоли .....	229
Гулбаҳор Тожиева. Навоий ва ҳозирги адабий тамойиллар .....	232
Элмурод Насруллаев. Истиқлол даври навоийшунослигида яратилган тадқиқотлар .....	235
Ҳамид Мирзаев. Ғазал ва сонет жанрларининг ўзаро муштарак жиҳатлари .....	237
Дилноза Нусратиллоева. Хуршид Давроннинг Навоий бағишланган шеърлари .....	239
Насиба Норова. Усмон Қўчқор ижодида Навоий образи .....	241
Олтиной Курбонова. Навоий ҳақидаги бадиалар туркуми .....	245
Раъно Пайзуллаева. Сирожиддин Саййид шеърятда навоиёна оҳанглар .....	246
Севинчой Ёкубова. Фитрат навоийшунослигининг айрим қирралари .....	249

Олимжон Абдуллоев. Навоийнинг “Сабаи сайёр” дostonидаги биринчи ҳикоятнинг фольклорасослари ..	251
Йўлдош Раҳматов. Алишер навоий ҳикматлари ва мақоллар .....	254
Улуғбек Сатторов. Навоий ижодида фольклор мотивлари .....	258
Дилфуза Ғайзиёва. Мифологик образ ва Навоий ижоди .....	261
Зебинисо Аҳмедова. “Сабаи сайёр” ва “Минг бир кеча” .....	264
Dildoraxon Abdullayeva. “Hayrat ul-abror” dostonidagi hikoyatlar genezisi va poetik talqini .....	267
Барно Мирзаева. Ҳоди Зарифов – навоийшунос ..	269
Севинч Омонова. “Хамса” даги ҳикоятларнинг дидактик хусусиятлари .....	272
Тоҳир Абдурахмонов. Навоий асарларида олий инсоний қадриятлар .....	275

**ТЎРТИНЧИ ШЎЪБА:  
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР  
МАСАЛАЛАРИ**

Низами Мамедов Тагисой. Компаративный подход к изучению поэм “Хамсе” Низами и “Хамсе” Навои ..	277
Эльмас Велиева. Алишер Навои в крымскотатарской литературе .....	288
Дилнавоз Юсупова. Усмонли турк адабиёти ва Алишер Навоий “Хамса” си .....	290
Ғарида Қаримова. XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек шоирлари ижодида Навоий дебочанавислиги аъналарари .....	294
Мавлонберди Суёнов. Навоийнинг ўзбекча татабууларига доир айрим қайдлар (Ҳофиз Шерозийга татабуулари мисолида) .....	298
Эргаш Очилов. Бир мавзунинг турфа талқини .....	302
Зебо Қобилова. Навоийнинг содиқ шогирди .....	306
Бахтиёр Ғайзуллоев. Навоий ғазалларига боғланган татабуулар бадиияти ( Навоий ва Оғахийи ижоди мисолида) .....	313
Тозагул Мағекубова. Адабий издошлик қирралари ..	320
Гулчеҳра Хўжанова. Аҳмад Югнакий “Ҳибат ул-ҳақойиқ” дostonининг Алишер Навоий ижодигатаъсири .....	323
Назмия Мухитдинова. Мирҳасан Садоий ирфоний шеърятда Навоий аъналарининг бадийтақомили .....	325
Шаҳло Ҳожиёва. Алишер Навоий аъналарари Чўлпон талқинида .....	329
Собира Жўраева. Навоий ва Шуқурий: адабий таъсир масаласи .....	334
Барно Исакова. Навоий ва Фузулий шеърятдаги образлар талқини .....	337
Васила Чўлиева. Навоий асарларида Румий шахсига эҳтиром .....	341
Gavhar Muftullayeva. Alisher Navoiy va Abdurahmon	